

Талабалар билан очик мулоқот



Наманган қурилиш-муҳандислик институтида транспорт йўналишида таҳсил олаётган талабалар билан очик мулоқот ташкил этилди.

Тадбирда вилоят автомобил йўллари бошқармаси, темир йўл, ҳаво ҳамда автомобил транспорти бўйича вакиллари ҳамда вилоят ЙҚХБ тарғибот гуруҳи ходимлари иштирок этишди.



Очик мулоқотда талабаларга тизимдаги ислоҳотлар, жумладан, ўтган йилларда амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар, галдаги вазифа ва режалар хусусида маълумотлар бериб ўтилди.



Тадбир сўнгида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислар томонидан жавоблар олишди ва албатта келажакда етук мутахассис бўлишга аҳд қилишгани, бу йўлда ўз билим ва изланишларига таянишларини билдириб ўтишдилар.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуот хизмати